
Ёшлар ташаббуси: бағдодлик фаоллар туманда замонавий Ёшлар марказини барпо этиш таклифини илгари суришмоқда

Ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун бағдодлик бир гуруҳ фаоллар Ёшлар марказини барпо этиш таклифини илгари суришмоқда. Мазкур таклиф лойиҳаси "Ташаббусли бюджет" ахборот порталига киритилди.

Лойиҳага кўра, марказ ахборот технологиялари, замонавий касб-ҳунарлар ҳамда хорижий тилларни ўргатишга мўлжалланган аудиториялар, ёшлар кутубхонаси, шунингдек, шахмат тўғараги учун махсус жиҳозланган хоналарни ўз ичига олади.

- Туманимиз ёшлари ушбу лойиҳани қўллаб-қувватлаш орқали компьютер дастурчилигини ўрганиши, касб-ҳунар ёки хорижий тилларни пухта ўзлаштириш имкониятларини қўлга киритишлари мумкин, - дейди Ёшлар ишлари агентлигининг туман бўлинмаси раҳбари Орзимурод Абдурахмонов. - Агар лойиҳамиз етарли миқдорда овоз тўпласа ва янги марказ барпо этилса, бир ҳафтада 650 нафар йигит-қиз ўз вақтини мазмунли ўтказади. Энг муҳими, марказда ўқув курслари ва машғулотлар мутлақо бепул бўлади.

Маълумот учун: шу кунга қадар "Ташаббусли бюджет" ахборот порталига Бағдод тумани фуқаролари томонидан киритилган лойиҳалар сони 187 тага етди. Мазкур лойиҳаларни кўриб чиқиш 26 февралдан бошланса, маъқул топилган лойиҳаларга овоз бериш жараёни 18 март санасидан старт олади.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2023-02-22 17:26:56